



БУЮК ВАТАНДОШИМИЗ ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Нурматова Мастура Маҳмудовна

ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ ФАНЛАР ИНСТИТУТИ

КАТТА ЎҚИТУВЧИ

Тел : +998933771013

e-mail: mastura-2020@mail.ru

Анотация : Ушбу мақолада Имом Бухорий ҳаёти ва ижоди, илмий мероси унинг энг машҳур ҳадисларидаги таълим ва тарбиянинг аҳамияти акс эттирилган. Буюк алломанинг энг яқин издоши Имом ат Термизийнинг ҳаёти ва Имом Бухорий билан илмий амалий ҳамкорликлари акс эттирилган.

Калит сўзлар: АЛЛОҲ, Имом Бухорий, Имом Термизий, ҳадис, шогирд, устоз, шарқ, Ибн абу Хотим, Дунё Имоми, ҳаёт.

Улуғ устоз Имом Бухорий ўз шогирди
Имом Термизийни алқаб айтдилар:
«(Эй Абу Ийсо Термизий !) Сен мендан
баҳраманд бўлганингдан ҳам кўра
мен сендан кўпроқ баҳраманд бўлдим»
(«Ал-Мирқот»).

Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, биз истиқлол неъматини туфайли улуғ аждодларимизнинг бебаҳо хазиналаридан, илмий-маърифий меросларидан баҳраманд бўла бошладик. Мухтарам биринчи юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаб айтганларидек: «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз». Ҳақ



таоло ато қилган бу имконлар, бу ютуқлар, бу неъматлар учун қанча шукроналар айтсак, шунча оз.

Ислом тамаддунида илм-маърифат ва гўзал ахлоқ энг улуғ қадриятлардан саналади. Бу борада буюк муҳаддис, “амир ал-муъминин фил-ҳадис” номи билан машҳур бўлган *Imom Buxoriy*нинг мероси алоҳида ўрин тутади. У зот тўплаган ҳадислар тўплами — *Al-Jome' as-Sahih* — нафақат диний аҳкомлар, балки таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, маънавий камолот масалаларида ҳам бебаҳо манба ҳисобланади.

Ушбу мақолада *Imom Buxoriy* ҳадисларида таълим ва тарбиянинг ўрни, уларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти таҳлил қилинади.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Иброҳим ибн ал-Муғйра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий Бухорои шарифда ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13-куни (милодий 820 йил 20 июль)да таваллуд топган. *Imom Buxoriy* бутун ҳаётларини, интилиш ва ҳаракатларини ҳадис илмига бахшида этган. Ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идроқли, ўткир зеҳли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. У ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларини шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ривоятчилари ҳақидаги қизгин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл олади, муқаддас шаҳарлар – Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳс-мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради. *Imom al-*



Бухорий ҳаётининг кўп қисми мусофирчиликда ўтди. Бу ҳақда унинг ўзи: “Миср, Шом, Месопотамияга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман”, деган экан.

Имом Бухорий ривоят қилган кўплаб ҳадисларда илм олишнинг улуғ савоб ва фазилат экани таъкидланади. Пайғамбаримиз Muhammad (с.а.в.)нинг: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздор”, мазмунидаги ҳадислари илмнинг ҳар бир инсон учун бурч эканини англатади.

Яна бир ҳадисда: “Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилади”, деб марҳамат қилинган. Бу ривоятлардан кўриниб турибдики, илм фақат дунёвий манфаат учун эмас, балки охират саодатига эришиш воситаси сифатида ҳам улуғланади.

Илм олиш мақсадида ал-Бухорий жуда кўплаб олимлардан таълим олади. Ҳаким Нишопурийнинг ёзишича, устозларининг сони тўқсон нафар атрофида бўлган. Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам кўпгина шогирдларига устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халиф ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдларидир.

Қуйида Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг “Адабу-л-муфрад” китобларида келтирилган ҳадислардан зикр қилиб ўтамыз.

مَنْ أَحَبَّ أَنْ يُبَسِّطَ لَهُ فِي رِزْقِهِ وَيُنْسَأَ " : عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ "لَهُ فِي أَثَرِهِ فَلْيَصِلْ رَحْمَةً".

яъни: Анас р.а.дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: **“Ким ризқи кенг ва умри узоқ бўлишини истаса силаи раҳм қилсин (қариндошлик алоқасини боғласин)”**.



مِنَ الْكَبَائِرِ شَتَمَ الرَّجُلِ " : عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ
نَعَمْ يَسُبُّ أَبَا الرَّجُلِ فَيَسُبُّ أَبَاهُ وَيَسُبُّ أُمَّهُ " : قَالُوا: "يَا رَسُولَ اللَّهِ وَهَلْ يَسْتَتِمُّ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ؟" قَالَ "وَالِدَيْهِ
"فَيَسُبُّ أُمَّهُ".

яъни: Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос р.а.дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: **“Киши ўз ота-онасини сўкиши кабира гуноҳлардан саналади”**. Саҳобалар: Ё Расулуллоҳ! Киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми? – деб сўрашди. Расулуллоҳ с.а.в.: **“Ҳа, у бошқа кишининг отасини сўкса, у ҳам бунинг отасини сўкади. Унинг онасини сўкса, у ҳам бунинг онасини сўкади”**, дедилар.

مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِ " : عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
جَارَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ
"لِيَصْنُتْ".

яъни: Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: **“Ким Аллоҳга ва охираат кунига имон келтирган бўлса қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳга ва охираат кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охираат кунига имон келтирган бўлса, яхши гап гапирсин ёки жим турсин”**.

لَيْسَ الشَّدِيدُ بِالصُّرْعَةِ " : عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ
"إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ".

яъни: Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилинади, Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: **“Қурашда енгган киши кучли эмас, ғазаби келганда ўзини тутган киши ҳақиқий кучлидир”**.

Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилгандан кейин умрининг охириларида ал-Бухорий 863-868 йиллари Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша пайтда Нишопур мусулмон



Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машхур олимлар шу шаҳарда тўпланган эдилар.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирматадан ортиқдир. Улардан “Ал-жомеъу-с-саҳиҳ”, “Ал-адабу-л-муфрад”, “Ат-таърих-ус-сағир”, “Ат-таъриху-л-авсот”, “Ат-таъриху-л-кабир”, “Китобу-л-илал”, “Барру-л-волидайн”, “Асоми-с-саҳоба”, “Китобу-л-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, “Ал-жомеъу-с-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳийҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам машхур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди.

Аллома Ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб, шу зайлда ҳадислар тўпламини яратганлар.

Имом ал-Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгилик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзини тийиш лозимлиги ҳақида ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насиҳат ва ўғитлар акс эттирилган.



Буюк муҳаддис олим Имом Бухорийнинг энг яқин издошларидан бири бу Абу Ийсо Муҳаммад Термизийдир. Термизий 209 йилда (милодий-824-825 йилда) таваллуд топдилар. Ҳофиз аз-Заҳабий “Мийзону-л-ийтидол” китобида Термизийнинг ҳижрий 279 йилда вафот этганларини зикр қилиб: “Вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар”, дейди. Аллома Мулла Али ал-Қорий ҳазратлари ҳам “Аш-шамоил” асари шарҳида шу гапни айтади. Имом Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Термизий Термиз шаҳрида олти фарсах (тақрибан 40км) нарида жойлашган Буғ қишлоғида таваллуд топдилар. Ал-Буғий деб Буғ қишлоғига нисбатан этилишлари бу қишлоқда туғилганлари ёки у ерда яшаб, вафот этганлари сабаблидир. Мулла Али ал-Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларни нақл этади: “Бобом, Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар. Кейин Термизга кўчганлар”¹.

Имом Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар сўнг 25-26 ёшларида Басрага бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Бу саёҳатлари кўп йиллар давом этди, имом Термизий Термизга 250 ҳижрий (864м.й) йилдагина қайтиб келдилар. Шунга қараганда, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар.

Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёримиздан чиққан икки машҳур муҳаддис ўртасида унутилмас, қизгин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Шундан сўнг “Ал-Жомеъу-с-саҳиҳ” (“Сунани Термизий”) китобларини ёза бошлаганлар. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: «(Эй Абу Ийсо

¹ “Шархуш-шамоил”: 136-саҳифа



Термизий !)Сен мандан бахраманд бўлганиндан ҳам кўра мен сандан кўпрок бахраманд бўлдим», деб унга нисбатан чуқур ҳурмати билдирган. Ат-Термизий ўз устози ва сафдоши ал-Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб, унга самимий садоқатда бўлган. Араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабийнинг “Тазкирату-л-ҳуффо” номли асарида ёзишича, ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли қаттиқ қайғуга ботиб “кўп йиғлаганидан ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолиб, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади”.

Бу икки беназир зотнинг устоз-шогирдлик ва дўстлик фаолиятида уч муҳим жиҳат кўзга ташланади.

Биринчи. Диннинг поклиги ва ҳадислар саҳиҳлигини сақлашда ҳамкорлик қилиш, устозлик ҳурмати сақлаш, вафо ва садоқат кўрсатиш, устоз сўзига эҳтиром ва эътимод билан қараш, ҳар бир ихтилофли масалада, ҳадислар исноди ва сифати масалаларида ҳузури дил билан маслаҳатлашиш.

Иккинчи. Устознинг ҳукми ва хулосасига эҳтиром сақлаган ҳолда ўз асарида мустақил йўл танлаш, баъзи ўринларда устоз билан баҳс мунозарага киришиши, устозни такрорлашдан ва тақлид қилишдан қочиш.

Учинчи. Камтарлик, холислик, бир-бирини қадрлаш ва маънавий мадакор бўлиш.

Термизийдан ҳадис ривоят қилган кишилар кўп. “Тазкирату-л-ҳуффо” (“Ҳофизлар ёдномаси” ва “Ат-Таҳзиб” китобларида булардан айримлари зикр қилинган.

Ал-Маҳбубий Термизийдан ҳадис ривоят қилган зотларнинг энг биринчиларидандир. Ибнул-Имод у зот ҳақида бундай дейди: “Абул-Аббос ал-Маҳбубий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳбуб ал-Марвазий, Марв ўлкасининг муҳаддиси, шайхи ва раисидир. 346-ҳижрий йилнинг Рамазон



ойида 97 ёшида вафот этди. “Сунани Термизий” китобининг муаллифидан (яъни Термизий ҳазратларидан) ҳадислар ривоят қилган зотдир”.²

Олимлар, Имом Термизийнинг турли асарлар тортиқ этганларини таъкидлашади. Уларнинг фикрига кўра, у зотнинг асарлари қуйидагилардир:

“Ал-Жомеъу-с-Саҳиҳ (“Сунани Термизий”).

“Аш-Шамои́л” (“Шамои́ли Муҳаммадия”).

“Ал-Ҳол”.

“Ат-Тарих”.

“Аз-Зухд”.

“Ал-Асмоъ ва-л-куно”(Исмлар ва кунялар”)

“Ал Илал фил ҳадис” (“Ҳадис санадларидаги иллатлар ёки нуқсонлар”).

Термизийнинг бошқа асарлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда зикр қилинган китобларни айрим манбаъларга таяниб баён этдик.³

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, буюк ватандошимиз муҳаддис олим Имом ал-Бухорий, Абу Муҳаммад ат-Термизий ҳамда уларнинг издошлари бизга бой ва катта илмий мерос қолдирган. Ҳозирга келиб, кўпгина ўзбек олимлари уларнинг меросларини ўрганишда давом этмоқдалар. Кенг жамоатчилик ҳам уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида оз маълумотга эга. Шу мақсадда юртбошимиз ташаббуслари билан буюк уламоларимиз ҳаётини ўрганиш, уларни асарларини таржима қилиш мақсадида, юртимизда кўпгина таълим муассасалари ҳам хайрия жамғармалари очилмоқда. Ҳамда Самарқанд шаҳрида очилган “Ҳадисшунослик мактаби” ҳам XXI аср ёшлари учун илм манбаи ҳисобланади. Дарҳақиқат буюк мутафаккир олим, ҳадисшунос Имом ал Бухорий ҳамда унинг издошлари ҳақида асарларни ўрганиш ва уни толиби

² “Шазаротуз-заҳаб”.

³ Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг Термизий китобига ёзган “Муқаддима”сидан олинди, 90-саҳифа.



илмларга мукаммал етказиб бериш биз устозларнинг бурчидир. Сўзимни Имом Ал-Бухорийнинг ҳадиси шарифи билан тугатмоқчиман:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассалам шундай дедилар:

“Аллоҳ уч нарсага рози бўлади ва уч нарсага ғазаб қилади: Унинг Ўзигагина ибодат қилиб, ҳеч нарсани унга ширк келтирмаслигизга, Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутишингизга ва Аллоҳ ишингизга валий –бошлик қўйганларга насиҳатлашингизга рози бўлади. Сизлардаги “деди-деди”, кўп саволни ва молни зое қилишни ёқтирмайди”.

(Бухорий ривояти)

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Ийсо Муҳаммад Ат-Термизий . “Сунани Термизий”. Мирзо Кенжабек таржимаси .-Т.2013.-528 б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Дин насиҳатдир китобидан. Islom.uz.
3. Хайруллаев М.М. Маънавият юлдузлари. Тошкент, 2001.
4. Буюк алломаларимиз. З.Исломов. Тошкент Ислom университети нашриёти -2002.
5. Уватов У. Имом ал-Бухорий. Тошкент, 2002.
6. Ахмаджонов М., Юсупов О., Абдухалимов Б., Олтин Силсила. Саҳиҳул Бухорий.Тошкент .2013й.
7. Зокиржон Исмоил таржимаси. Ҳадис. Тошкент 1991й.